Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
8 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 90 (13038)
www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАХСУС ТУРДАГИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЭКСПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ИМПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги "Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5012-сон ва 2017 йил 31 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4996-сон фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2887-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, экспорт-импорт операцияларини бошқариш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 10 ноябрдан бошлаб:

ушбу Фармонга 1-иловага киритилган махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолияти, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан амалга оширилади;

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

1. 2017 йил 1 декабрдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) хизматларни (ишларни) экспорт қилиш операциялари бўйича – бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб, товарларни экспорт қилиш операциялари бўйича эса – божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлишини ҳисоблашнинг ягона муддати 120 кун этиб белгиланади, қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари – муассислар томонидан чет элдаги ташкилотларига (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборларига);

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзолари томонидан – Палатанинг савдо-инвестиция уйларига олиб чиқиб кетиладиган товарлар бундан мустасно;

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ, УЗУМ, ПОЛИЗ, ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР, ШУНИНГДЕК, ҚУРИТИЛГАН САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт қилинадиган янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларнинг (кейинги ўринларда мева-сабзавот маҳсулотлари деб юритилади) ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида:

1. "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

а) хўжалик юритувчи субъектларга экспорт контракти (шартномаси) тузмасдан қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш ҳуқуқини бериш:

етказиб бериш суммаси экспорт божхона декларациясини расмийлаштириш кунида 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги;

Давоми 3-бетда.

Эҳтиром

ЭЛ ФАРЗАНДИ

Буюк Сохибқирон бобомиз Амир Темурнинг дунё аҳлига манзур бўлган бир ибораси бор: "Куч – адолатдадир".

Дарҳақиқат, кундан-кунга қуч-қудрати ортиб бораётган мустақил давлатимизда адолат, садоқат тантаналари дунёларга нур таратмоқда. Яқиндагина элимизнинг ардоқли фарзанди, муҳтарам Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасига ҳайкал ўрнатилган, ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей ташкил этилган, буни бутун халқимиз чуқур қониқиш, шоду хуррамлик билан кутиб олган эди.

Куни кеча эса халқимизнинг яна бир фидойи фарзанди, атоқли давлат арбоби, шоир ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги кенг нишонланди. Шоир туғилиб ўсган она шаҳри Жиззахда унинг маҳобатли ҳайкали, мемориал музейи очилди. Ижоди, яратган асарлари, шеърлари асосида катта байрам концерти ташкил этилди. Иштирокчиларга олам-олам таассурот бахш этган бу каби эзгулик тараннумида адолат, диёнат ва олижаноблик садолари янграб турганди...

Тадбирларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Дарҳақиқат, шу кунларда шундай эҳтиром, эъзозга муносиб инсоннинг қадди-басти осмонларга бўйлагани рост. Шароф Рашидовнинг қутлуғ 100 ёши бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг нишонланмоқда, дейиш мумкин. Пойтахтимиздаги Тошкент политехника музейида ўтказилган хотира кечаси фикримиз далили. Унда адабиётшунослар, талабалар, ўқитувчи ва ўқувчилар, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этди. Улар музей ходимлари шоир ижодига бағишлаб тайёрлаган қизиқарли адабий-бадиий композицияни, қўғирчоқбозлар театри жамоасининг Шароф Рашидов қаламига мансуб "Кашмир қўшиғи" асари асосидаги спектаклни мириқиб томоша қилишди.

– Бугун Шароф Рашидов ҳақида жуда кўп нарсаларни билиб олдим, – дейди талаба Зиёда Тешабоева. – Менга шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги фильм, "Кашмир қўшиғи" асарининг саҳналаштирилиши жуда ёқди...

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Имконият

МОҲИРУ МЕҲРУ МАҲОРАТ...

Ғазалкент шаҳрида яшовчи ҳунарманд Арофат Саидғозиева ўз касбидан барака топиб келаётган аёллардан. Унинг меҳнати, қалб қўри ва юксак маҳорати билан тикилган миллий ва замонавий русумдаги кийим-кечаклар, ҳунармандчилик намуналари ҳақиқатан ҳам кўпчиликни ўзига ром эмоқда.

Арофат Саидғозиева ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бундан йигирма йил муқаддам оддийгина тикув машинасида бошлаган эди. Кейин тижорат банкидан кредит олиб, замонавий ускуналар харид қилди. Шу тариқа, кийим-бош тикишга ихтисослашган чеварлик устахонасини очди. Бугун унинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган "Лабрина" корхонасида ҳар куни иш қайнайди. Шогирдларининг айримлари буюртмаларни қабул қилса, бири келин сарполарини бичади, бошқаси тайёр кийим-кечакларни харидорларга етказиш билан машғул. Яна бири бу ерга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларга миллий матоларимизнинг тайёрланиш усули, безакларининг маъноси ҳақида маълумот беради.



Бўстонлик туманида унинг корхонасига ташриф буюрмаган аёл кам топилади, десак муболаға бўлмайди. Бунинг сабаби бор. Бу ерда чеварлар нафақат аёллар қўйлакларини, балки буюртмалар асосида тўйларимиз учун тўн, дўппи, қийиқчалар ҳамда келинлик либослари ва миллий дизайндаги нимчаларни ҳам тайёрлаб беришади. Арофат Саидғозиева "Ҳунарманд" уюшмасининг аъзоси сифатида келинлар учун аталган парда, сандиқ ва қутиларни миллий анъаналар асосида тери ва тақинчоқлардан фойдаланган ҳолда безаш ишларини ҳам амалга оширади. Шогирдлари Хуршида Раҳматова ва Дилфуза Каримова билан атлас, адрас, ипак ва пахтали матолардан тикаётган тўй либослари, костюм, пальто ва бош кийимларга ҳам буюртмалар йил сайин ортиб бормоқда.

– Менда тикувчилик касбига меҳрни онам уйғотганлар, – дейди Арофат Саидғозиева. – У киши уста чевар бўлганлар. Дастлаб, беш ёшимда қўлимга ип-игна тутганман. Орадан йиллар ўтиб, бичиш-тикиш сирларини аввал қизларимга, кейин қўшни келинлар, уйда ўтирган хотин-қизларга ўргатдим. Бугунги кунда уч қизим – Дилшода, Шаҳзода ва Мубина ҳамда ўнлаб шогирдларим мен билан ёнма-ён фаолият юритмоқда.

Арофат Саидғозиева ўз ижоди намуналари билан республика "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан ўтказилаётган турли кўргазмалар, "Тадбиркор аёл", "Ташаббус" кўрик-танловларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Тадбиркорнинг таъкидлашича, бундай тадбирлар касбдошлар билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш билан бирга асрлар давомида аждодлардан авлодларга етиб келаётган миллий анъана ва қадриятларимизни хорижликларга намойиш этишга, уларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ҳаммаси эмас. У устоз-шогирд анъаналари асосида маҳалла фуқаролар йиғини ва таълим муассасаларида ташкил этилган "Ораста қизлар", "Моҳир қўллар" тўгаракларида қизларга чеварлик сирларини ўргатиб келмоқда.

– Чиройли либос яратиш учун асосан икки нарса – яхши дизайн ва уни амалга ошириш учун шароит керак, – дейди Арофат опа. – Бизда бунинг учун ҳамма имконият бор. Халқ амалий санъати, миллий қадриятларимиз шунчалик бойки, улардан олам-олам ғоя топиш мумкин. Энг муҳими, аёллар тадбиркорлиги давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Аслида муваффақиятларимизнинг асосий омили ҳам шунда.

Қаҳрамонимизнинг келгусидаги ниятлари катта. У "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими кўмагида банкдан олинадиган кредит ҳисобидан яна бир чеварлик корхонасини очиб, мижозларга янги турдаги хизматлар кўрсатишни йўлга қўймоқчи. Бу лойиҳа амалга ошгач, яна йигирма нафар маҳаллий ёшлар ва хотин-қизлар доимий иш жойига эга бўлади. Шунингдек, у ўз маҳсулотларини Қозоғистон, Россия ва Европа мамлакатлари бозорларига олиб чиқишни режалаштирмоқда.

Бугун юртимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор, яратилаётган имконият ва шароитлар мана шундай самаралар бермоқда. Ҳунар эгаллаган хотин-қизлар эса ҳаётда ўрнини топмоқда, оиласи иқтисодига, рўзғори бутлигига, демакки, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

САЛОМАТЛИК – БЕБАҲО БОЙЛИК

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ташаббуси билан Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларида "Аҳоли саломатлиги йўлида" шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил қилинди.

Эзгулик

Юртимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, "Аҳоли саломатлиги йўлида" шиори билан ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар аҳолининг барча қатламлари қамраб олинаётгани билан аҳамиятлидир.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали директори М. Йўлдошеванинг айтишича, Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқда икки кун давом этган тиббий кўриклар давомида малакали терапевт, ортопед, педиатр, УТТ шифокори, ЭКГ мутахассиси томонидан 500 нафарга яқин одамларнинг саломатлиги текширилди. Шифокор ва мутахассислар тиббий текширувлар давомида аниқланган касалликлар даражасига қараб, беморларга зарур тавсиялар беришди.

Мазкур акция давомида тиббий текширувдан ташқари, нуронийлар, ижтимоий муҳофазага муҳтож, жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳолидан хабар олинмоқда. Бу гал ҳам тадбир доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган фуқароларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкилотчилар томонидан 40 турдаги дори-дармон бепул тарқатилди.

Чуқурлаштирилган тиббий кўриклар Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида ҳам ўтказилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



«НАМУНАВИЙ ТЎЙЛАР» ЛОЙИҲАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмиталари, мусулмонлар идораси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари аъзолари билан ҳамкорликда хайрли ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ташаббус



Жумладан, мазкур ташкилот ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилмоқда. Учрашувлар давомида тўй-ҳашамларни миллий урф-одатлар руҳида ўтказиш, исрофгарчилик ва ортиқча дабдабабозликка йўл қўймаслик юзасидан берилаётган зарур тавсиялар аҳоли томонидан ижобий қарши олинмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар натижаси ҳамда кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда, вилоятдаги никоҳ тўйлари "Намунавий тўйлар" лойиҳаси остида ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, 24-29 октябрь кунлари Ангрен ва Бекобод шаҳарлари ҳамда Янгийўл ва Чиноз туманларида намунавий тўйлар бўлди. Келин-куёвларнинг бахтли онлари туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлимлари томонидан тантанали равишда қайд қилиниб, никоҳланувчи ёшларга янги ҳаёт бўсағасида айтилаётган тилак ва истаклар билан бир қаторда, уларга оила психологияси, ёшларнинг оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, соғлом авлод тарбиясига оид китоблар ҳам туҳфа этилди.

Ушбу тўй маросимлари марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари, хусусан, "Ёшлар" ва "Ўзбекистон-24" телеканалларида кенг ёритилди.

Хулоса ўрнида, давлатимиз раҳбарининг "Тўй-маърака – бу фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масала", деган фикрларини таъкидлаш жоиз. Зотан, бу каби маросимларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини ҳис қилиш лозим. Қолаверса, ортиқча сарф-харажатларни қисқартириш натижасида иқтисод қилинган маблағни келгусида оила манфаатлари йўлида, ёшларнинг бахти ва келажаги учун сарфлаш мақсадга мувофиқдир.

Вилоятда "Намунавий тўйлар" лойиҳаси давом этмоқда.

Нодирбек МУҚИМОВ,
вилоят адлия бошқармаси масъул ходими.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

МАХСУС ТУРДАГИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЭКСПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ИМПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ёки Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар) (тижорат банклари томонидан қайта молиялаштириладигани бундан мустасно), шунингдек, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил қиладиган хўжалик субъектлари ва устав капиталидаги улушнинг 50 фоизидан ортиғи устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиган хўжалик субъектларига тегишли бўлган юридик шахслар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича тузилган ва битта шартнома бўйича суммаси 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқни ташкил этадиган импорт шартномалари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ёки Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ёки Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) томонидан ёхуд унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар), шунингдек, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиган хўжалик субъектлари ва устав капиталидаги улушнинг 50 фоиздан кўпроғи устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиган хўжалик субъектларига тегишли бўлган юридик шахслар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган, битта тендер (танлов) бўйича суммаси 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқни ташкил этадиган тендер (танлов) савдолари доирасида тендер (танлов) ҳужжатлари экспертизаси ёки тендер (танлов) таклифларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Бунда тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган импорт контрактлари қўшимча экспертизадан ўтказилмасдан ҳисобга қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва ҳукуматлараро битимлар асосида тузилган;

ушбу Фармонга 2-иловага киритилган товарларни (ишлар, хизматларни) экспорт қилишга контрактларни (шартномаларни) рўйхатдан ўтказиш юклансин, биржада тузилган контрактлар (шартномалар) бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилишга лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Импорт контрактларини ва тендер (танлов) ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, тендер (танлов) таклифларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ бошқаруви раиси Н. С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Э. М. Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси А. И. Ахмедходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 3 ноябрь

Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

б) тадбиркорлик субъектларига товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини олдиндан тўлов, очилган аккредитив, расмийлаштирилган банк кафолати ва экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқи берилади, янги ўзилган мева-сабзавот маҳсулотлари ва ушбу қарорга иловада кўрсатилган товарлар (кейинги ўринларда хом ашё товарлари деб аталади) бундан мустасно.

Бунда экспортга божхона расмийлаштируви, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (кейинги ўринларда ТСОЯЭА тизими деб аталади) ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномасиз амалга оширилади, ушбу қарорга иловада кўрсатилган хом ашё товарлари, шунингдек, инвойс асосида экспорт қилинадиган товарлар бундан мустасно.

Белгилансинки, товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти фақат олдин амалга оширилган экспорт операциялари бўйича тадбиркорлик субъектида муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаганда ушбу кичик банд шартларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Бунда экспорт қилувчиларга товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини олдиндан тўлов, очилган аккредитив, шунингдек, харидор банкларининг кафолати ёки экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлиши шартларида экспорт қилиш ҳуқуқи сақланади.

Бошланиши 1-бетда.

Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун бевосита тадбиркорлик субъектлари жавоб берадилар;

в) импорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун импорт қилувчиларга нисбатан экспорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликка йўл қўйган экспорт қилувчилар учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади;

г) енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзага келган ҳолатда хорижий валютадаги тушумнинг тушиши муддати ушбу таъсир юз берган давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, енгиб бўлмайдиган кучнинг амал қилиши даврига узайтирилади;

д) товарлар, ишлар ва хизматлар экспорт қилувчининг ҳисоб рақамига экспорт контрактини суғурталаш полиси бўйича суғурта қопламаси суммаси (миллий ва/ёки хорижий валюталарда) тушганда, ушбу экспорт контракти бўйича дебитор қарздорлик суммаси молиявий санкцияларни қўллаш мақсадлари учун суғурта қопламаси суммасига камайтирилади;

е) божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун импорт қилувчилар томонидан экспорт божхона юк декларацияси мажбурий тақдим этилиши бўйича талаб бекор қилинади;

ж) "вақтинча олиб кириш" божхона режими остидаги товарларни қайта экспорт қилишга давлат божхона хизматлари органлари томонидан рухсатнома берилиши бўйича талаб бекор қилинади.

2. 2017 йил 1 декабрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига товарларни (махсус товарлардан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт контракти тузмасдан, инвойслар асосида, экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисоб рақамларига олдиндан тўлов 100 фоиз тушгандан сўнг ва ТСОЯЭА тизимига маълумотларни киритиш шарти билан экспорт қилиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда янги ўзилган мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз маҳсулотлари, дуккаклилар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилишга қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида талаблар белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги:

экспорт қилинадиган товарларнинг асосий турлари бўйича ташқи бозорларнинг жорий ва истиқболли конъюнктурасига доир доимий равишда чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказилишини;

тадбиркорлик субъектларининг экспорт қилинадиган маҳсулотлари турларини кенгайтириш учун янги салоҳиятли имкониятлар аниқланишини таъминласинлар.

4. 2018 йил 1 январдан бошлаб ТСОЯЭА тизимини техник қўллаб-қувватлаш ва ундан фойдаланиш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018 йил 1 январга қадар ТСОЯЭА тизими, унинг техник ҳужжатлари ва маълумотларни қайта ишлашда фойдаланиладиган дастурий воситаларнинг бирламчи кодлари билан биргаликда қабул қилинишини – берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ТСОЯЭА тизими ишини такомиллаштириш мақсадида манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузсин, унга 2018 йил 1 июлгача бўлган муддатда экспорт ва импорт қилувчилар томонидан маълумотлар ТСОЯЭА тизимига киритилиши тартибини соддалаштириш вазифаларини юкласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Давлат ветеринария қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги ва "Ўзбекэкспертиза" акциядорлик жамияти экспорт-импорт операцияларини амалга оширишни тезлаштириш, товарларни божхонада расмийлаштириш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши самарадорлигини ошириш мақсадида берилган сертификатлар ва рухсат бериш тусидаги ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар "Ягона дарча" унификациялаштирилган божхона ахборот тизимига ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда киритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўргазма тадбирларини ўтказишга мўлжалланган товарларни (маҳсулотларни) олиб чиқиб кетиш тартибини соддалаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин;

икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ушбу қарор билан киритилган нормаларнинг самарадорлиги мониторинги доимий равишда олиб борилишини таъминласин ва, зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – "Ўзагротехсаноатхолдинг" АЖ бошқаруви раиси Н. С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Э. М. Ғаниев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Р. Парпиев ва Давлат божхона қўмитаси раиси М. В. Тоҳирий зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 3 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "МАХСУС ТУРДАГИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЭКСПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ИМПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ташқи савдо операцияларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш, экспортни рағбатлантириш ва кенгайтиришга доир тизимли ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартиб-таомилларини соддалаштиришга ва экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Валютани тартибга солиш бўйича бозор механизмларининг жорий этилиши экспорт қилувчи корхоналар реал даромадларини ва уларнинг ташқи савдо бозорларида рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, халқ билан очиқ мулоқот, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, жумладан, кенг доирадаги тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилаётган учрашувлар ҳали ҳам ортиқча бўғинлар, тўсиқлар, замонавий талабларга жавоб бермайдиган ва маҳаллий тадбиркорларнинг ташқи савдо фаолиятида иштирок этишига тўсқинлик қилаётган турли идоравий йўриқномалар ва норматив ҳужжатлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу муносабат билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ва тўпланган тажриба, тадбиркорлик субъектлари турли тоифаларининг таклифларини ва илғор халқаро тажрибани ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ва "Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш, экспорт контрактларини рўйхатга олиш, шунингдек, импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш ва тендер ҳужжатларини баҳолаш тартибини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, экспорт-импорт тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва махсус турдаги товарларни экспорт ҳамда импорт қилиш учун лицензиялар бериш функцияларини ягона органда бирлаштириш мақсадида Фармонда лицензиялаш функцияларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказиш назарда тутилган. Бунда заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар лицензияланадиган товарлар рўйхатидан чиқарилган.

Бундан ташқари, бир-бирини такрорлайдиган тартиб-таомилларни истисно қилиш мақсадида Фармонда импорт шартномаларини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказишга доир амалдаги тартибни соддалаштириш ҳамда унга ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, қиймати 100 минг АҚШ долларидан кам миқдордаги импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш тартиб-таомиллари бекор қилинмоқда.

Шунингдек, тендер (танлов) савдоларини ўтказиш даврида бир вақтнинг ўзида тендер (танлов) ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ёки тендер (танлов) таклифларини баҳолаш тартибини жорий қилган ҳолда, тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган қиймати 100 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган импорт контрактларини ҳам экспертизадан ўтказиш бекор қилинмоқда. Бунда тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган импорт контрактлари қўшимча экспертизадан ўтказилмасдан ҳисобга қўйилади.

Фармонда мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида Ҳукумат қарорлари ва ҳукуматлараро битимлар асосида тузилган, шунингдек, чекланган рўйхат бўйича махсус турдаги ва хом ашё товарларини экспорт қилиш контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигида рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини сақлаб қолиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ экспорт қилувчи корхоналар, уларнинг янги, шу жумладан, истиқболли хорижий савдо бозорларини фаол ўзлаштириши учун қулай шароитлар яратишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар жорий этилмоқда.

Чунончи, экспорт операциялар бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзи ҳосил бўлишини ҳисоблаш муддати узайтирилиб (60-90 кундан), ҳисоблашнинг ягона муддати белгиланмоқда, яъни маҳсулот экспортга жўнатилган кундан бошлаб 120 кун этиб белгиланмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси резидентлари – муассислар томонидан чет элдаги ташкилотларига (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборларига), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзолари томонидан – Палатанинг савдо-инвестиция уйларига олиб чиқиб кетиладиган товарлар бўйича тўловлар келиб тушишининг амалдаги муддатлари (180 кун) сақлаб қолинади.

Европа иттифоқи давлатлари, Туркия, Хитой ва бир қатор МДҲ мамлакатларининг (Россия, Қозоғистон, Беларусь) ташқи савдони тартибга солиш соҳасидаги илғор тажрибасини ўрганиш ушбу давлатларда тадбиркорлик субъектлари ўз маблағларидан эркин, ўз ихтиёрига кўра ва чекловларсиз фойдаланиши, экспорт қилиш шакллари ҳамда тўлов муддатларини танлаши мумкинлигини, шунингдек, товарларни ташқи савдо контрактларини тузмасдан экспорт қилиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, шунингдек, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига ўз маблағларини эркин тасарруф этиш бўйича берилган ҳуқуқлар инобатга олинган ҳолда, қарорга мувофиқ шундай тартиб жорий этилмоқда, унга кўра товарлар, ишлар ва хизматларни олдиндан тўлов тўламасдан, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирилмасдан ва суғурта полисисиз хорижий валютада экспорт қилишга рухсат этилмоқда, янги мева-сабзавот маҳсулотлари ва айрим турдаги хом ашё товарлари бундан мустасно.

Қарорда чегараолди савдосини ривожлантириш ва экспорт тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига 2017 йил 1 декабрдан бошлаб, товарлар (хом ашё товарларидан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисоб рақамларига олдиндан 100 фоиз тўлов тўлангандан сўнг экспорт контракти тузмасдан инвойслар асосида экспорт қилиш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Бунда янги мева-сабзавот, узум, полиз, дуккакли маҳсулотлар, шунингдек, қуритилган сабзавотлар ва меваларни экспорт қилишга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида талаблар белгиланмоқда.

Шунингдек, қарорда ташқи савдо фаолиятининг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш, экспортдан валюта тушумларининг тушиш муддатлари объектив сабабларга кўра кечиктирилган ҳолатларда экспорт қилувчиларга нисбатан молиявий санкцияларни асоссиз қўллашга йўл қўймаслик, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида:

муддати ўтган дебиторлик қарзи ҳосил бўлишига йўл қўйилганлиги учун ҳам экспорт қилувчиларга ҳам импорт қилувчиларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича ягона ёндашувни қўллаш;

бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) даврида хорижий валютадаги тушум тушишининг муддатини ушбу даврга узайтириш;

экспорт контракти бўйича дебиторлик қарз миқдорини товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи ҳисоб рақамига тушган суғурта қопламаси миқдорига камайтириш;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кирилаётган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун импорт қилувчилар томонидан божхона юк декларациясини мажбурий тақдим этиш;

"вақтинча олиб кириш" божхона режимида бўлган товарларни қайта экспорт қилиш учун давлат божхона хизмати органлари томонидан рухсатнома беришга доир талабни бекор қилиш;

масъул вазирликлар ва идоралар томонидан берилган сертификатлар ва рухсат бериш тусидаги ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотларнинг унификациялаштирилган "Ягона дарча" божхона ахборот тизимига ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда киритилиши назарда тутилмоқда.

Фармон ва қарорнинг амалда бажарилиши экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш соҳасидаги мавжуд тўсиқлар ва чекловларга барҳам бериш, экспорт салоҳиятини, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг мавжуд экспорт салоҳиятини кенг рўёбга чиқариш, улар томонидан экспорт қилинадиган маҳсулотлар турларини ва географиясини кенгайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ, УЗУМ, ПОЛИЗ, ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР, ШУНИНГДЕК, ҚУРИТИЛГАН САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли тижорат банкларидаги ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан хорижий валютада, шу жумладан, банк ўтказмалари, халқаро банк карталари орқали тўловлар, шунингдек, тижорат банкларининг айирбошлаш шохобчаларида сотиб олинган миллий валютадаги нақд пул маблағларини киритиш шаклида 100 фоизлик олдиндан тўлов олиш;

Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига экспортга етказиб бериш ҳақидаги маълумотларни киритиш;

б) экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларининг фактура қийматига уларни сақлашда, ташишда ва сотишда қонун ҳужжатларида белгиланган табиий йўқотиш нормативлари доирасида тузатишлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда ўн кун муддатда экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативлари ва уларнинг фактура қийматига тузатишлар киритиш тартибини белгилайдиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 15 ноябрдан бошлаб:

юридик шахслар томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари кейинчалик экспорт қилиш учун жисмоний шахслардан сотиб олинганда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан сотилган маҳсулотлар уларга ёки уларнинг оила аъзоларига ажратилган ер участкаларида етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилмасдан қўлланилади;

экспорт қилувчида олдинги экспортга етказиб бериш бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлганда, товарларни чиқариш фақат муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган чет эл харидорига рухсат этилмайди;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига юк божхона декларациясини расмийлаштириш кўрик ҳужжати тузилганидан кейин 3 соатдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК билан биргаликда 2017 йил 15 ноябрга қадар муддатда мазкур қарорнинг 1-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини такомиллаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси ва экспорти соҳасидаги халқаро шартномаларини инвентаризациядан ўтказишни;

амалдаги импорт божхона божлари, акциз солиғи ва йиғимлар ставкаларини, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, ташиш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларининг потенциал импорт қилувчи хорижий мамлакатларда сотишда санитария норма ва қоидаларини танқидий ўрганишни таъминласин.

5. Ташқи савдо вазирлиги инвентаризация ва танқидий ўрганиш якунлари бўйича 2017 йил 1 декабрга қадар муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот маҳсулотларининг савдоси ва экспорти соҳасида янги халқаро шартномалар тузиш ҳамда амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни;

амалдаги норматив ҳужжатлар, санитария норма ва қоидалари, фитосанитария талабларини халқаро стандартлар, шунингдек, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг потенциал импорт қилувчи хорижий мамлакатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. "Ўзстандарт" агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда йигирма кун муддатда республикада халқаро стандартларни, шу жумладан "ISO 22000", "Ҳалол" стандартларини жорий этиш ва кейинчалик қўллаш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикасида берилган мувофиқлик сертификатларини маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини асосий истеъмол қилувчи давлатларда, шу жумладан, икки томонлама ва кўп томонлама битимларни тузиш, шунингдек, лабораторияларни модернизация қилиш орқали тан олинишини таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда экспорт қилувчи томонидан зарур ҳужжатлар тақдим қилинган вақтдан кўпи билан бир иш куни давомида мева-сабзавот ҳамда тез бузиладиган маҳсулотларнинг экспорти учун сертификатлар беришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК:

мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришнинг асосий номенклатураси бўйича ташқи бозорларнинг жорий ва истиқболдаги конъюнктураларини доимий асосда чуқур ўрганишни;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг янги истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳамда тури ва навига боғлиқ ҳолда маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабни аниқлаш ҳисобига уларнинг номенклатурасини кенгайтиришни таъминласин.

9. "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ҳақиқий эҳтиёж ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш йўналишларини чуқур ўрганиш асосида Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаш, сақлаш ва ташиш бўйича логистика марказларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда лойиҳаларнинг аниқ рўйхати белгилансин, марказларни оптимал ва оқилона жойлаштириш, уларни ташкил этиш муддатлари, халқаро ва хорижий молия институтларининг маблағлари билан биргаликда чет эл инвестицияларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

10. Божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб юритилади) иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ 2018 йил 1 февралга қадар муддатда божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Тижорат банкларига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тайёрлов ташкилотларининг депозит ҳисобварақларидан уларнинг буюртмалари бўйича мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш учун нақд пул маблағлари беришни таъминлаш тавсия этилсин.

12. "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК импорт ва экспорт қилувчилар учун, шу жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, уларнинг нави ва нархлари, шунингдек, чет эл харидорлари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олишга бўлган талаблар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона ахборот порталини юритишни таъминласин.

13. "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. С. Отажонов икки кун муддатда мазкур қарор талаблари бажарилишининг бориши устидан таъсирчан назорат қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг тасдиқланган параметрларига эришишни тизимли мониторинг қилиш ҳамда аниқланган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал қилишни таъминлаш бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан махсус гуруҳни шакллантирсин, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиш учун асосланган таклифларни киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж. А. Қўчқоров, Н. С. Отажонов ва З. Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси М. Б. Нурмуратов, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК раиси Т. А. Жалилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 6 ноябрь

Бошланиши 1-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ, УЗУМ, ПОЛИЗ, ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР, ШУНИНГДЕК, ҚУРИТИЛГАН САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш ва бюджетга молиявий тушумларни ошириш кўпинча мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни (кейинги ўринларда мева-сабзавот маҳсулотлари деб юритилади) маҳаллий экспорт қилувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигига боғлиқ бўлади.

Замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва қатор товарларни экспорт қилиш тартибини соддалаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришга тўсқинлик қилувчи камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан хўжалик юритувчи субъектларнинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиши тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, жисмоний шахслар томонидан уларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш назарда тутилди.

Хусусан, бугунги кунда экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан ёрдамчи хўжаликларда, шу жумладан, томорқа участкаларида етиштирилмоқда. Мазкур ишлаб чиқарувчилар чет эл харидорлари билан шартномалар тузиш ва рухсат берувчи тартиб-таомиллардан ўтиши лозимлиги сабабли маҳсулотларини мустақил равишда экспорт қилиш имкониятига эга эмас.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Давлат раҳбарининг қарори билан тадбиркорлик субъектларига экспорт контракти тузмасдан уларнинг тўлови ва етказиб берилиши бўйича шартларга риоя қилган ҳолда инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш ҳуқуқи берилди, бу халқаро амалиётга мувофиқдир.

Қарор билан божхона органлари томонидан экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативини ҳисобга олиш тартиби мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бошқа муаммоли масала ўз ечимини топди. Ҳисобга олинмаган табиий йўқотиш асоссиз дебитор қарздорлик юзага келишига, тегишлича, келиб тушмаган валюта маблағларининг 70 фоизига қадар миқдорда жарима қўлланилишига олиб келган.

Бундан келиб чиққан ҳолда, қисқа муддатда экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативлари, шунингдек, уларнинг фактура қийматига тузатишлар киритиш тартибини белгилаш топширилди.

Кейинчалик экспорт қилиш учун фуқаролардан мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар назарда тутилди.

Хусусан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар келгусида жисмоний шахслар томонидан маҳсулотларнинг етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилмасдан қўлланилиши белгиланмоқда. Агар экспорт қилувчида олдин амалга оширилган экспортга етказиб бериш бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, фақат муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган чет эл харидорига товарларни чиқариш рухсат этилмайди.

Шу билан бир қаторда, қарор билан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига божхона юк декларациясини расмийлаштириш кўрик ҳужжати тузилганидан кейин 3 соатдан кўп бўлмаган муддатда амалга ошириладиган тартиб жорий этилди.

Мева-сабзавот ва тез бузиладиган маҳсулотларнинг экспорти учун зарур бўлган сертификат бериш муддати экспорт қилувчи томонидан ҳужжатлар тақдим қилинган вақтдан бошлаб бир иш кунига қадар қисқартирилди.

Амалдаги импорт божхона божлари, акциз солиғи ва йиғимлар ставкалари, шунингдек, хорижий мамлакатлардаги санитария нормаларини танқидий ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот маҳсулотларининг савдоси ва экспорти соҳасидаги халқаро шартномалари инвентаризациядан ўтказилади. Унинг якунлари бўйича янги халқаро шартномалар тузиш ва амалдагиларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар тайёрланади.

Шунингдек, Давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасида берилган мувофиқлик сертификатларининг маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотлари асосий истеъмол қилинадиган давлатларда тан олиниши, шунингдек, лабораториялар модернизация қилинишини таъминлаш чораларини кўриш топширилган. Мазкур топшириқнинг амалга оширилиши маҳаллий етказиб берувчилар хорижий бозорларда уларнинг маҳсулотлари мева-сабзавот маҳсулотларини потенциал импорт қилувчи кўпгина мамлакатлар стандартлари, санитария ва фитосанитария талабларига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Қарорда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида инфратузилмаларни яратиш ва замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу мақсадда ҳақиқий эҳтиёж ҳамда халқаро ва хорижий молия институтларининг чет эл инвестициялари ҳисобига мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш йўналишларини ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаш, сақлаш ва ташиш бўйича логистика марказлари ташкил этилади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар етиштирган маҳсулотлари, уларнинг нави ва нархлари, шунингдек, чет эл харидорлари томонидан уларни сотиб олиш учун буюртмалари тўғрисидаги фойдаланилаётган тарқоқ ахборот базалари импорт ва экспорт қилувчилар учун ягона порталга бирлаштирилади.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини ривожлантириш бўйича қайд этилган чора-тадбирлар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ишчи гуруҳ ташкил этилди ва унга 2018 йил 1 февралга қадар миллий божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича қўшимча таклифлар тайёрлаш ва Ҳукуматга киритиш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарор ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иш шароитларини яхшилаш имконини беради.

Чоршанба – ёнғинлар профилактикаси куни



101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Вилоятимиз ҳудудида 30 октябрь – 5 ноябрь кунлари содир бўлган ёнғинлардан 25 таси аҳоли уйларига тўғри келди. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 11 таси электр симларининг қисқа туташуви, 8 таси болалар шўҳлиги, 22 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнғинлар профилактикаси куни", деб белгиланган муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг кўламда ўтказилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар!

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.

ДИЁНАТ ДАРЗ КЕТГАНДА...

Кундан-кунга гуркираб, чирой очиб бораётган мустақил диёримиздаги улкан бунёдкорликлар қалбида Ватан меҳри жўш урган ҳар бир инсонга фахр-ифтихор бахш этади, дахлдорлик ғурури умрини безайди. Қурилаётган иншоотлар, тураржойлар, текис, равон йўллар, кўприклар, чароғон кўчалар... Бир зумда манзилингизга етказиб қўядиган тезюрар поездлар... Айниқса, "Афросиёб" поездининг довруғи қўшни мамлакатларга ҳам таралди.

❑ Таассуф

– Ўзбекистондаги катта ўзгаришлардан хабардормиз, – дейди қозоғистонлик Мавлуда Эшбоева. – Айниқса, тезюрар "Афросиёб" поездида Самарқандга боришни орзу қилиб юрардим. Ниҳоят, ниятимга етдим. Дўстларим билан кўҳна ва навқирон Самарқандни, Ислом Каримов қабрини зиёрат қилдик. Таассуротларимиз бир олам. Айниқса, "Афросиёб"нинг ажойиб қиёфаси, ундаги қулайликлар, хизмат сифати, одамларнинг дўстона муносабатидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Дарҳақиқат, вилоятимиз ҳудудидан ўтган темир йўллардан юқори тезликда ҳаракатланаётган "Афросиёб" поездини кўрганда чуқур энтикиб қўясиз. Тўғрими? Қизиқ, нега шундай?! Бу ўз эли, ўз юртидаги ютуқлардан қувониш, фахр, ифтихор этиш, албатта.

Аммо, бу неъматларнинг қадрига етмай, унга зарар етказишга ҳаракат қиладиган бадхулқ кимсалар ҳам йўқ эмас орамизда... Зангиоталик Алексей Қодиров (исм-шарифлар ўзгартирилган), афсуски, шундайлардан экан. У Ўрта овул темир йўл бекатида "Тошкент – Қарши" йўналиши бўйича ҳаракатланаётган "Афросиёб" тезюрар поездига тош отган. Натижада, кириш эшиги олдидаги биринчи ойна дарз кетган. Худди шунда аввало, тарбиясизликка бориб тақалмайдими?

– Бола тарбияси энг мураккаб жараён, – дейди психология фанлари номзоди Феруза Акромова. – Шу билан бирга ота-оналар учун ширин туйғулар-дай ҳуқуқбузарлик чинозлик Нурбек Қўзиев, янги-йўллик Зулайҳо Темирова томонидан ҳам содир этилди. Ҳар икки ҳолатда ҳам поезд ойнаси дарз кетган. Биргина "Бухоро – Тошкент" йўналишида "Афросиёб" электропоездига етказилган зарар 10 млн. 772 минг 206 сўмни ташкил этади.

Ҳуқуқбузарлар орасида вояга етмаганлар, ҳатто катта ёшдагилар ҳам борлиги кишини ажаблантиради. Ахир, бундай бедодликнинг асосий айбдорлари ким? Бунинг таги, энг мисол. 60 ёшли Сотимбой Ҳусанов темир йўл атрофида мол ҳайдаб келатуриб, отган тоши вагон ойнасига бехосдан тегиб кетганини айтган... Аслида ўзи ёлғиз яшайдиган Сотимбой Ҳусанов бош мия жароҳати асорати сабабли психолог назоратида туради.

Мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, оилалар соғломлиги, мустаҳкамлигига алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас. Шунингдек, "бир болага етти маҳалла ота-она" эканини унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Ахир, "Қайси маҳалладансиз?", деган савол бекорга берилмайди. Шу маънода темирйўл ўтган ҳудудлардаги маҳаллаларнинг масъулиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Реклама ва эълонлар

ИШГА МАРҲАМАТ!
«DINARA TOUR SERVICE»
сайёҳлик фирмаси
сотув агентларини
ишга таклиф этади.
Мурожаат учун телефон:
(+99890) 606-79-72.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 8 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 16-18 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 15-20 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Фестиваль

Пойтахтимизда бошланган I Тошкент Халқаро амалий санъат фестивали томошабинларга ҳайрат ва ҳавас, ижод аҳлига эса илҳом завқини улашмоқда. Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида мазкур фестивалнинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО АМАЛИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга ташкил этилган санъат фестивалига халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, юртимиз ва хорижлик ҳунармандлар, санъатшунос олимлар, талаба-ёшлар, мухлислар таклиф этилди.

Бадиий академия раиси А. Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, маданият ва санъатни изчил равнақ топтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ижод аҳлини янада самарали фаолият кўрсатишга чорлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ижодкор зиёлиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур имкониятларни яратиш, маданий соҳаларда халқаро ҳамкорликни тобора кучайтиришга оид амалий ташаббуслар санъатнинг барча йўналишлари каби тасвирий ва амалий санъат бўйича ҳам янгидан-янги ғояларга туртки бермоқда.

Халқимизнинг бой маданий, маънавий меросини ўзида акс эттирган амалий санъат тасвирий, ҳайкалтарошлик, дизайнерлик санъатлари гуллаб-яшнашида ҳам муҳим пойдевор вазифасини ўтамоқда. Юртимизда азалдан ривож топган мазкур санъатнинг кўплаб мактаб ва анъаналари истиқлол йилларида қайта кўз очди.

Бадиий академия томонидан Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Ташқи ишлар вазирликлари, "Ҳунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу ижодий лойиҳа мустақиллик йилларида халқ амалий санъати соҳасида эришган ютуқларимизни намойиш этиш имконини бермоқда. Айни пайтда мазкур фестиваль халқаро ижодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, устоз-шогирд мактаби анъаналарининг бардавомлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фестивалда юртимиз уста ва ҳунармандлари билан бирга Озарбайжон, Буюк Британия, Эрон, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Латвия, Россия, Тожикистон, Германия, Қозоғистон, Қирғизистондан ҳам ижодкорлар иштирок этмоқда.

– Бу фестивалда қатнашаётганимдан жуда мамнунман, – дейди Надежда Гришина (Россия). – Фестиваль доирасидаги кўргазмада мато бўлакларидан таркиб топган тасвирий композиция билан қатнашаяпман. Лойиҳа халқ амалий санъатининг унутилаёзган турлари ва йўналишларини ўзида намоён этгани билан ғоят қимматлидир.

– Ўзбекистонда халқ амалий санъати ривожига, бебаҳо маънавий меросни асраб-авайлашга қаратилаётган чора-тадбирлар кўплаб давлатлар учун ибратдир, – дейди ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос бўйича эксперти Динара Чочунбаева (Қирғизистон). – Юртингизда уста ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш борасида яратилган кўплаб имтиёзлар уларнинг самарали ижод қилишида асосий омил бўлмоқда.

Фестиваль доирасида кўргазмалар, маҳорат сабоқлари, тақдимот тадбирлари, ижодий мулоқотлар, учрашув ва анжуманлар, модалар намойиши бўлиб ўтади. Лойиҳа доирасидаги илк кўргазмада миллий каштачилик, либослар дизайни, матодаги тасвир – батика санъати, қуроқчилик каби йўналишлар бўйича ижод намуналари томошабинларга ҳавола этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Китобингизни ўқидим

ТОНГДЕК ТИНИҚ САТРЛАР



Паркентлик укамиз Аслиддин Сабриддиновнинг "Чўлпон" нашриётида чоп этилган "Тонг" деб номланган биринчи китобини ўқир эканман, адабиёт бўстонига умидли бир шоир кириб келаётганига амин бўлдим.

Аввало, ёш ижодкор ўзининг кимлигини яхши билади:

Бемалол фахр этсак бўлар
баримиз,
Ҳатто, ифтихордан тўлар
бағримиз,
Мана шу инсоннинг
авлодларимиз,
Буюк шоҳ ўтмади Амир Темурдек.

Аслиддин улуғ бобокалонларимиз билан фахрланиш билан бирга, уларга муносиб ўғлон бўлиш зарурлигини ҳам ёдида тутади:

Бу чинорлар бош эгмасдан,
ўтиб келган бўронларга,
Бу минорлар дош беролган,
қанча-қанча суронларга,
Арслон бўлиб туғилгансан,
бек бўл шундай арслонларга,
Ўзбекистон бўлай десанг,
остонангни мустаҳкам қил!

Эртанги кунга бўлган ишонч ёш шоирнинг ҳар бир сатрида жилваланади:

Бугун куйланади ҳаёт достони,
Қалбларга кўчириб чаманистонни,
Ҳали кўрасизлар Ўзбекистонни,
Буюк бир юракка айлантирамиз.

Адабиётимизда она – аёллар ҳақида топиб айтилган сатрлар бисёр. Аммо Аслиддин айтилган гаплардан ҳам ўринли фойдалана олади:

Аёл,
Кўнглингга шамчироқ,
йўлингга моҳи,
Осмон бошини ҳам мағрур эгади.
"Қирқта жонинг бор", деб
куласан гоҳи,
Мингта жонини ҳам сенга тикади.

Мустақил юртимизга бугунги кунда қандай ёшлар зарурлигини уқтиради:

Нонни бежиз азиз аташмас,
Эъзоз керак ҳар дастурхонга,
Бугун биздек оловқалб ёшлар,
Нондек зарур Ўзбекистонга.

Ижодкорга шу юрт корига ярайдиган ўғлон, нондек азиз шоир бўлиб етишишини тилаган ҳолда, улуғ устоз Абдулла Қаҳҳор таъкидлаганидек, Аслиддин "қўлига адабиёт танбурини олибди, қўли келишганини кўриб, суюндик, бундан-да яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилиб қоламиз".

Саид АНВАР.

Дилдаги гаплар

Қадим замонлардан буён китоблар инсониятнинг ўтмиши ва келажагини боғлаб туради. Улар дастлаб ҳайвон териларига, кейинчалик матоларга ёзилган. Китоблар кўпайиши билан, аста-секин уларни жамлайдиган зиё масканлари, яъни кутубхоналар вужудга келган. Йиллар ўтиши билан улар янада ривожланиб, бугунгидек шинам, ахборот қурилмалари билан жиҳозланган, турфа китоблар жамланган масканларни шакллантирди.

«ЗАНЖИРБАНД» КУТУБХОНАЛАР



Муҳтарам Президентимизнинг китобхонлик ва унинг тарғиботига қаратаётган юксак эътибори замирида биз, ёшлар камолотига хизмат қилувчи улкан имкониятлар мужассам, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Китобларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, аммо...

Коллеж ёшидаги баъзи тенгдошларимиздан яқин орада қандай бадиий китоб ўқиганликларини сўраганимизда, улар қачон қўлларига китоб олганликларини эслай олмаган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Ачинарлиси, айрим ўқув даргоҳларидаги кутубхоналар фақат китобларни жамлаш билангина чегараланиб қолмоқда. Китобни асраш – уни ўқиш учун бермаслик, дегани эмаску, ахир. Агар китобларни шу йўл билан асраш керак бўлса, уларни ўқувчилар қачон ўқийди? Аҳвол шундай давом этаверса, ёшларни китобхонликка чорлаётган телевидения, газета ва журналлардаги чорловлар шунчаки, самарасиз гап бўлиб қолмайдими?

Коллеждаги бир ўқувчи умрида бадиий китоб ўқимаганини доим такрорлар эди. Яқинда шу тенгдошимиз қўлида Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асарини кўриб, очиғи ҳайратда қолдим. Саломлашиб улгурмасимдан у китоб ҳақидаги фикрларини, олган таассуротларини сўзлай кетди, энди унинг ўрнига дўстидан янги китоб олиб келишини айтди. Узоққа бормай, ўқув даргоҳидаги кутубхонадан китоб олишни маслаҳат бердим. Тенгдошим янги бадиий адабиётлар ўқувчиларга уйда ўқиш учун берилмаслигини айтиб, дўстининг ёнига шошди...

Баъзи кутубхоналаримиз билим улашувчи маскан эмас, бефарқлигимиз туфайли қимматли маълумотлар, бебаҳо китоблар асраб-авайланадиган музейларга айланиб бормоқда. Аҳвол шу зайлда давом этаверса, яқин вақтларда кутубхоналарнинг кераги бўлмай қолмайдими? Сабаби, электрон китоблар ҳаётимизга кириб келмоқда. Лекин, уларни ўқиш учун барчанинг қўлида замонавий русумдаги телефон мавжуд эмас. Қолаверса, ҳар қандай асарни тушуниб, мағзини чақиб ўқиш учун оддий китоб маъқулроқ, бизнингча. Яна бир ҳолат: ҳар доим ҳам янги китоб харид қилишни чўнтак кўтармаслиги мумкин. Мана шундай муаммолар турган бир пайтда айрим "фидокор" кутубхоначиларнинг давлат мулкини мутлақ эгасидай қўриқлаб ўтириши тўғримикин? Китоблар чинни буюмлар эмас-ки, токчаларга безак учун қўйиб, сақланса. Назаримизда, китоб сифатига путур етади деб, кутубхоналарни қулфлаб ўтиргандан кўра, ўқувчиларга китоб қадрини, мутолаа маданиятини ўргатишса яхши бўлар эди. Яқинда шаҳримиздаги мактаблардан бирига борсак, ўқувчилар кутубхона эшиги олдида тўпланиб туришган экан. Сабабини суриштирсак, мактаб кутубхоначиси бу вақтда "муҳим" иш билан, аникроғи тушлик билан банд экан. Бечора болалар танаффусда китоб ололмаса, дарсдан кейин кутубхоначи бўлмаса, қандай қилиб китобга ошно бўлиши мумкин?

Истагимиз ўқув масканларининг юраги бўлган кутубхоналаримиз ўқувчилар учун ҳамиша очиқ бўлсин. Токи мутолаага иштиёқмандлар китоблар орқали билимларнинг янги уфқларини очсин. Азиз кутубхоначилар, кутубхоналаримиз қулфланган билимлар хонаси эмас, тафаккурга қанот бериб, парвозга йўллайдиган зиё маскани, олам ва одам илмлари салтанатининг калити бўлиб хизмат қилсин.

Мардона ЗОКИРОВА,
Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежи 3-босқич ўқувчиси.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/

ОСИЁГА ЙЎЛ БЎСТОНЛИКДАН ЎТАДИ

Олимпия ўйинлари дастурига киритилган велоспорт мамлакатимизда тобора оммалашиб бормоқда. Ўзбекистонлик велопойгачилар халқаро миқёсдаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келади.

Айни пайтда велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси келаси йилнинг 8-12 февраль кунлари бўладиган Осиё чемпионатига ҳозирланмоқда.

Терма жамоамиз мураббийлари бўлажак мусобақага пухта тайёргарлик кўриш учун навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини вилоятимизнинг сўлим гўшаси – Бўстонлиқ туманидаги "Белдирсой оромгоҳи" соғломлаштириш марказида ташкил этишди.

Бу ерда энг кучли велоспортчиларимиз жисмоний, техник ва тактик машғулотларни олиб бормоқда. Ўқув-машғулот йиғини 11 ноябрга қадар давом этади.

"БАРСЕЛОНА" ЮЛДУЗИ ПУЙОЛЬ "ОЛМАЛИҚ"НИНГ ЎЙИНИГА КЕЛАДИ

Испания терма жамоаси сафида жаҳон чемпиони бўлган "Барселона"нинг собиқ футболчиси Карлес Пуйоль Тошкентда "Пахтакор" ва "Олмалиқ" жамоалари ўртасидаги учрашувни кузатади. Ўзбекистон чемпионати олий лигасининг 28-туридан ўрин олган мазкур баҳс эртага, 9 ноябрь куни соат 17:00 да "Пахтакор" стадионида бошланади.



Карлес Пуйоль Ўзбекистон футбол федерацияси раиси Умид Аҳмаджонов таклифига кўра, Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА президенти Жанни Инфантино ташаббуси билан юртимизга келмоқда.

Жаҳон футболи юлдузи "Пахтакор" ва "Олмалиқ" ўртасидаги учрашув олдидан ёш футболчилар учун мастер-класс ўтказади. Шунингдек, учрашув доирасида мухлислар иштирокида акция ўтказилади ва ютуқлар ўз эгаларига испаниялик футболчи томонидан топширилади.

"Барселона" таркибида порлаган Карлес Пуйоль бутун фаолиятини ушбу жамоада ўтказиб, 593 та учрашувда 18 та гол киритди. Замонавий футболнинг энг кучли ҳимоячиларидан бири сифатида эътироф этилган моҳир чарм тўп устаси клуби таркибида олти карра мамлакат чемпиони, уч маротаба Европа чемпионлар лигаси ғолиби, икки бор Европа суперкубоги эгаси бўлди. Шунингдек, икки марта клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида зафар қучди.

Карлес Пуйоль Испания терма жамоаси таркибида юзта ўйин ўтказиб, учта гол урган. У мамлакат бош жамоасида Европа ва жаҳон чемпиони бўлган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Табиат дорихонаси

АСАЛ МЎЪЖИЗАСИ



Асал – ўзининг шифобахш хусусиятлари билан қадимдан машҳур. Мутахассислар тоза асал истеъмол қилинганда одам организмида юз берадиган жараёнларни ўрганиб чиқишди. Хулосалар билан танишинг:

1. Асал – кучли антиоксидант. У терида турли тошмалар тошишига тўсқинлик қилади ва терининг эрта қаришига сабаб бўлувчи заҳарли моддаларни организмдан чиқариб ташлайди.

2. Озишга ёрдам беради. Асал метаболизмни яхшилаш орқали, ортиқча вазндан тезроқ халос бўлишга хизмат қилади.

3. Қондаги холестерин миқдорини меъёрлаштиради. Асалнинг ўзида холестерин йўқ, лекин организмдаги холестерин миқдорини камайтиришга туртки берувчи микроэлементлар кўп.

4. Асални ҳар куни меъёрида истеъмол қилиш ёш ўтган сари намоён бўлувчи юрак-қон томир касалликларини бартараф этади. Шифокорлар тадқиқотларининг кўрсатишича, асал таркибидаги антиоксидантлар артериялар торайиши ва тромблар ҳосил бўлишининг олдини олади.

5. Асал инсон хотирасини яхшилайди. Бу маҳсулот таркибидаги кальций мия томонидан осонликча ўзлаштирилади ва унинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

6. Асал организм тезда уйқуга кетишига ёрдам берувчи мелатонин гормонига айлантирувчи серотонинни ишлаб чиқаришга туртки беради. Бунинг учун ётиш олдидан бир қошиқ асал истеъмол қилиш кифоя.

7. Асал ошқозон-ичак трактига яхши таъсир қилади. Наҳорда оч қоринга бир қошиқ асал истеъмол қилиш таом ҳазмини яхшилайди, касалликларнинг олдини олади.

8. Асал – антидепрессант. Унинг таркибидаги глюкоза қонга тез сўрилади, бу эса инсоннинг тинчланиши, руҳий зўриқишлардан қутулишига ёрдам беради.

Шу билан асалнинг шифобахш хусусиятлари тугаб қолмайди. Мўъжизавий бу неъмат юқорида айтилганлардан ташқари, кўплаб бошқа мақсадларда ишлатилиши ва инсон организми учун катта фойда келтириши ҳақида маълумотлар кўп.

З. АҲМАДОВ тайёрлади.

Чоршанба ҳикмати

– Неъмат!

– Лаббай ота.

– Бир ривоят бор, биласанми?

– Билсам керак...

Дўстни маҳкам тут

– Билсанг ҳам эшит. Такрор зарар қилмайди: Кўҳи Қоф деган тоғ бўларкан, шуни икки тарафида иккитагина митти чумоли яшашаркан. Иттифоқо, улар дўстлашиб қолибдилар. Тоғни айланиб ўтиб, борди-келди қиларканлар. Кундан-кун уларнинг меҳрлари бир-бирларига ортиб бораверибди. Йўлнинг узоқлигидан азият чеккан чумолилар шу тоғдан йўл очмоқчи бўлиб, ғайрат билан ишга киришибдилар. Уларнинг ғайрат-шижоатини, бир-бирларига садоқатию ҳамжиҳатлигини кўрган Тангри таоло бир имо қилган экан, тоғ тарс иккига айрилибди.

Кўрдингми, дўстлик Оллоҳнинг назарига тушган ана шундай буюк неъмат. Дўст тутиндингми – маҳкам тут! Бу иш ўша дўстингга ҳам, Оллоҳга ҳам хуш келади...

Шам шуъласи

Ҳазрати Умар разиоллоҳу анҳу халифалик даврларида бир алломан кироми у кишиникига меҳмон бўлиб келибдилар. Қоронғу намозшомликда Ҳазрат Умар шам ёруғида бир нима ёзиб ўтирган эканлар. Меҳмон салом бериб кириши билан ёниб турган шамни ўчирибдилар-у, ўша заҳоти иккинчи шамни ёқиб қўйибдилар. Бу ҳолдан меҳмон ҳайрон бўлиб сўрабди: "Тақсир, битта шамни ўчириб, худди ўшанга ўхшаш иккинчи шамни ёқишингиз боиси нима? Бунда ҳам бирор ҳикмат борми?" Шунда у киши: "Албатта бор, мен сиз келгунча давлат ишлари билан банд эдим, зеро шам ҳам давлатники эди. Энди менинг азиз меҳмоним бўласиз, шунинг учун ўзимга тегишли шамни ёқдим", деган эканлар.

Қаранг, шу хил одил ва ҳалол, покиза раҳбарлар ҳам бўлган экан... Бу ривоят ҳозир ҳам кўпчиликка ўрнак бўлса арзийди, деб ўйлайман.

Неъмат АМИНОВнинг "Бир аср ҳикояти" китобидан.

«Файзибоғ» табассуми...



Одамлар ўйнашига "Каптива" олиб бераётганда, мен хотинимга бир дона гул совға қила олмаётганимдан афсусдаман.

(Алкашбой хасрати)

* * *

Қишлоқда энг кучли қарғиш: "Ҳее, қишда пастансанг ёниб кетиб, чироқсиз ўтир..."

* * *

Бир ойдан бери қайнонам уйимизда. Уйимизда мендан ҳам кўп бўлаяптилар. Кеча: "Қўл ювадиган хона қаерда эди?" деб сўрасам, кўрсатиб юбордилар...

* * *

– Дима ака, қанча маош олишни хоҳлардингиз?

– Вой-дод! "Шунча пул менгами?" дейдиган даражада...

* * *

"Туйғуларим йўқолар изсиз, фермамдаги товуқ сингари..."

(Товукбокар хаваскорнинг ён дафтарчасидан)

* * *

– Дима ака, қанча маош оласиз?

– 500 минг сўм.

– Шу маош етадими?

– Ҳатто 1 миллионча ортиб қолади!

– Ие, қанақасига, математикадан хабарингиз борми?

– Сиз ҳам мени омбор мудири эканлигимдан хабардормисиз?..

* * *

"Оқ-сут" фермер хўжалиги сут топшириш режасини биринчи бўлиб бажарди. Бунинг учун туман сув таъминот корхонаси ходимларига ва шахсан Сувчибой Суғоров акага ташаккур айтиб қоламиз!.."

(Ташаккурномадан)

* * *

Кеча бир олим телевизорда товуқларнинг генидан диназавирларни қайтарамиз, деди.

Томиз жойидами "братан", ўлгиз келаяптими?..

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-420. Адади 6 865. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 19.35.